“Бухоронефтгазпармалаш” акциядорлик жамияти Акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилиши 1-сонли баённомаси.

Йиғилиш ўтказиш жойи: Бухоро вилояти, Коровулбозор тумани, Буюк Ипак Йули кўчаси, 4 уй, “Бухоронефтгазпармалаш” акциядорлик жамияти мажлислар зали.

Умумий йиғилиш тури: навбатдаги

Йиғилиш ўтказиш санаси: 2025 йил 08 январ.

Жамиятнинг жами жойлаштирилган акциялари сони 4 288 088 дона.

Жамиятнинг 2025 йил 3 январ ҳолатида шакллантирилган реестрига асосан жамият акциядорлари сони 1943 шахс, шундан йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга акциядор 1678 шахсдан иборат.

Йиғилишда қатнашдилар: 3 202 093 овозга эга 7 акционер, шу жумладан 2 акционер ишончнома билан, кворум 74,67 фоизни ташкил этди.

Таклиф этилганлар: ижроия органи аъзолари, мутасадди ходимлари, ички аудит хизмати.

ЙИҒИЛИШ КУН ТАРТИБИ:

1. “Бухоронефтгазпармалаш”АЖ акциядорлари йиллик умумий йиғилишининг санок комиссияси таркиби ва регламентини тасдиклаш.

2. “Бухоронефтгазпармалаш” акциядорлик жамиятининг 2023 йил молиявий-хўжалик фаолият якуни, “Бизнес-режа” ва ўрта муддатга белгиланган ривожлантириш стратегияси бажарилиши борасидаги бошқарувнинг ҳисоботи муҳокамаси.

3. “Бухоронефтгазпармалаш” акциядорлик жамиятининг 2023 йил молиявий-хўжалик фаолият якуни бўйича миллий аудит стандартларидан ва ҳалкаро аудит стандартларидан келиб чиққан ҳолда ўтказилган аудиторлик текшируви, шунингдек самарадорликнинг мухим кўрсатгичлари, самарадорликнинг йиғинди кўрсатгичи қиймати ва уларнинг йил якуни бўйича бажариш ҳисобининг текшируви борасидаги хулосаларини кўриб чиқиш.

4. Жамиятнинг 2023 йил якуни билан корпоратив бошқарув тизими баҳоланиши борасидаги аудитор хулосаси муҳокамаси.

5. «Бухоронефтгазпармалаш» АЖ кузатув кенгашининг 2023 йил якуни билан хисоботини кўриб чиқиш.

6. “Бухоронефтгазпармалаш” акциядорлик жамиятининг 2023 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботи тасдиқланиши.

7. “Бухоронефтгазпармалаш” акциядорлик жамиятининг 2023 йил якуни билан олинган соф фойдаси тақсимоти тасдиқланиши.

8. Жамиятнинг янги таҳрирдаги Уставини тасдиқлаш.

9. Жамиятнинг янги таҳрирдаги Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисидаги Низомини тасдиклаш.

10. Жамиятнинг янги таҳрирдаги Кузатув кенгаши тўғрисидаги Низомини тасдиқлаш.

11. Жамиятнинг “Ижро органи тўғрисидаги Низом”ни янги таҳрирда тасдиклаш.

12. “Бухоронефтгазпармалаш” акциядорлик жамиятининг 2024 йил молиявий-хўжалик фаолият якуни бўйича миллий аудит стандартларидан ва ҳалкаро аудит стандартларидан келиб чиққан ҳолда аудиторлик текшируви ўтказилиши ҳамда самарадорликнинг мухим кўрсатгичлари, самарадорликнинг йиғинди кўрсатгичи қиймати ва уларнинг йил якуни бўйича бажариш борасидаги аудиторлик текшируви ўтказилиши учун аудитор ташкилотини танлаш ва аудитор ташкилотига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдорини белгилаш.

Жамият акциядорлари умумий йиғилиши кворуми 74,67 фоизни ташкил этгани эълон қилинди. "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 68-моддаси 1-хатбошиси бўйича йиғилишнинг ваколатлилиги эълон қилинди.

Жамият кузатув кенгаши аъзоси Р.Я.Эрсориев сўзга чиқиб, ушбу йиғилиш жамият кузатув кенгашининг 2024 йил 16 декабрдаги мажлиси қарори асосида ўтказилаётганини тушунтириб ўтди.

Йиғилиш ўтказилиши учун йиғилишнинг ишчи органлари сайланишига тўхталиб ўтилди. Йиғилишнинг ишчи ҳайъатига Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги вакили – М.Бекмуродов, кузатув кенгаши аъзоси – Р.Я.Эрсориев, жамият бошқаруви раиси – Б.М.Бакаев сайланди. Йиғилиш раислигига кузатув кенгаши аъзоси Р.Я.Эрсориев, котиблигига Г.Касимова сайланди.

Йиғилиш кун тартибидаги **биринчи масала** "Бухоронефтгазпармаш" АЖ акциядорлари умумий йиғилишининг саноқ комиссияси таркиби ва регламентини тасдиқлаш" бўйича Г.Касимова сўзга чиқиб, жамият кузатув кенгашининг 2024 йил 16 декабрдаги йиғилиш қарори билан акциядорлар умумий йиғилиши муҳокамасига тасдиқлаш учун уч киши: А. Ибрагимова, Д. Баканов ва Д. Саидовалардан иборат саноқ комиссияси таркиби таклиф этилгани ҳамда маърузага чиқувчиларга 5 минут, музокарага чиқувчиларга 3 минут, овоз беришга 2 минутдан иборат йиғилиш регламенти таклиф этилганини айтиб ўтди.

Кун тартибидаги масала бўйича бюллетенга овоз бериш таклиф этилди. Овоз бериш натижаси: "тарафдор" 3 202 093 овоз, "қарши", "бетараф" йўқ.

Кун тартибидаги **биринчи масала борасида қарор қабул қилинди:**

1.1. Акциядорлар умумий йиғилиши саноқ комиссияси А. Ибрагимова, Д. Баканов ва Д. Саидовалардан иборат таркибда тасдиқлансин.

1.2. Умумий йиғилиш регламенти маърузага чиқувчиларга 5 минут, музокарага чиқувчиларга 3 минут, овоз беришга 2 минутдан иборат тартибда тасдиқлансин.

Кун тартибидаги **иккинчи масала,** "Бухоронефтгазпармалаш" акциядорлик жамиятининг 2023 йил молиявий-хўжалик фаолият якуни, "Бизнес-режа" ва ўрта муддатга белгиланган ривожлантириш стратегияси бажарилиши борасидаги бошқарувнинг ҳисоботи муҳокамаси" борасида жамият бошқаруви раиси Б.М.Бакаевга сўзга берилди. Б.М.Бакаев ўз сўзида жамият томонидан 2023 йил давомида амалга оширилган ишлар, йил якуни билан эришилган молиявий-иқтисодий кўрсатгичлар бўйича ҳисобот бериб ўтди *(илова қилинади)*. Б.М.Бакаев ҳисоботига кўра, жамият томонидан 2023 йил давомида бажарилган ишлар ҳажми **184 871,1 млн.сўмни** ташкил этиб, бу кўрсатгич режага нисбатан **201 фоизга** бажарилган, ўтган йилдагига нисбатан **ўсиш суръати 226,5 фоизни** ташкил этган. Маҳсулот(товар, иш, хизмат)ларни сотишдан тушган соф тушум **132 000,9 млн. сўмни** ташкил этиб, ўтган йилги 62 327,5 млн сўмлик кўрсатгичга нисабатан **211,8 фоизлик ўсиш** суръатига эришилган.

Жамиятнинг 2023 йилги молиявий хўжалик фаолияти якуни бўйича олинган **соф фойдаси 5 310,9 млн.** сўмни ташкил этиб, ўтган йилдаги 2 471,9 млн. сўмлик кўрсатгичга нисбатан **214,9 фоизлик ўсиш** суръатига эришилган. Жамиятнинг тасдиқланган бизнес режасидаги 3 000,0 млн. сўмлик соф фойдаси кўрсатгичи **177 фоизга** бажарилган.

Жамиятнинг дебиторлик қарзлари миқдори йил бошида 50 956,9 млн. сўм, йил охирида 88 115,05 млн. сўм бўлиб, дебиторлик қарзлар миқдори 37 158,14 млн. сўмга ошган.

Жамиятнинг кредиторлик қарзлари миқдори йил бошида 9 128,8 млн. сўм, йил охирида 31 026,4 млн. сўм бўлиб, кредиторлик қарзлар миқдори 21 897,5 млн. сўмга ошган.

Ушбу ҳисобот йиғилиш қатнашчилари муҳокамасига қўйилди. Муҳокамалар якуни билан кун тартибидаги масала бўйича қўйидаги таклиф овозга қўйилди:

“Бухоронефтгазпармалаш” акциядорлик жамиятининг 2023 йил молиявий-хўжалик фаолият якуни, “Бизнес-режа” ва ўрта муддатга белгиланган ривожлантириш стратегияси бажарилиши борасидаги бошқарув раисининг ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

Овоз бериш натижаси: “тарафдор” 3 202 093 овоз, “қарши”, “бетараф” йўқ.

Кун тартибидаги **иккинчи масала бўйича қарор қабул қилинди:**

2.1. “Бухоронефтгазпармалаш” акциядорлик жамиятининг 2023 йил молиявий-хўжалик фаолият якуни, “Бизнес-режа” ва ўрта муддатга белгиланган ривожлантириш стратегияси бажарилиши борасидаги бошқарув раисининг ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

Кун тартибидаги **учинчи масала** борасида йиғилиш раиси жамият ички аудит хизмати ходимига сўз берди. “MAA-PERFECT” МЧЖ аудиторлик ташкилотининг “Бухоронефтгазпармалаш” АЖ 2023 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни бўйича миллий аудит ва халқаро аудит стандартларидан келиб чиққан ҳолда ўтказилган аудиторлик текшируви хулосаларини кўриб чиқиш бўйича жамият ички аудит хизмати ходими Б.Ф.Жўраев сўзга чиқди. Маърузачи аудитор хулосалари матни билан йиғилиш қатнашчиларини таништириб ўтди *(хулоса илова қилинади)*. Хулосага асосан жамиятнинг 2023 йил молиявий-хўжалик фаолияти миллий стандартлар бўйича ҳам, халқаро стандартлар бўйича ҳам ҳаққоний акс эттирилгани айтиб ўтилди.

Шунингдек маърузачи жамият бошқаруви томонидан тасдиқланган самарадорликнинг муҳим кўрсатгичларининг миқдорига тўхталиб ўтди. Тақдим этилган аудитор хулосаси бўйича самарадорликнинг асосий муҳим кўрсатгичлари миқдори 129,66 фоизни, самарадорликнинг қўшимча муҳим кўрсатгичлари миқдори 173,45 фоизни ва самарадорликнинг йиғинди кўрсаткичи 151,55 фоизни ташкил этгани айтиб ўтилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат иштирокидаги корхоналар ижро этувчи органи фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2020 йил 9 декабдаги 775 - сон қарори ижросини таъминлаш бўйича методик қўлланмага асосан самарадорликнинг йиғинди кўрсатгичи миқдори 100 фоиздан юқори бўлса, жамият бошқаруви фаолияти “юқори” деб баҳоланиши эслатиб ўтилди.

Муҳокамалар якуни билан кун тартибидаги масала бўйича қўйидаги таклифлар овозга қўйилди:

– “MAA-PERFECT” МЧЖ аудиторлик ташкилотининг “Бухоронефтгазпармалаш” АЖ бўйича 2023 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни билан миллий аудит стандартларидан келиб чиққан ҳолда ўтказилган аудиторлик текшируви хулосаси маълумот учун қабул қилинсин.

– “MAA-PERFECT” МЧЖ аудиторлик ташкилотининг “Бухоронефтгазпармалаш” АЖ бўйича 2023 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни билан халқаро аудит стандартларидан келиб чиққан ҳолда ўтказилган аудиторлик текшируви хулосаси маълумот учун қабул қилинсин.

– “MAA-PERFECT” МЧЖ аудитор ташкилотининг “Бухоронефтгазпармалаш” АЖ бўйича 2023 йил якуни билан самарадорликнинг асосий муҳим кўрсатгичлари миқдори 129,66 фоизни, самарадорликнинг қўшимча муҳим кўрсатгичлари миқдори 173,45 фоизни ва самарадорликнинг йиғинди кўрсаткичи 151,55 фоизни ташкил этганини тасдиқлагани инобатга олинсин.

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат иштирокидаги корхоналар ижро этувчи органи фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2020 йил 9 декабдаги 775 - сон қарори ижросини таъминлаш бўйича методик қўлланмага асосланган ҳолда, “Бухоронефтгазпармалаш” акциядорлик жамиятининг 2023 йил молиявий-хўжалик фаолияти **“юқори”** баҳоланиши инобатга олинсин.

Овоз бериш натижаси: “тарафдор” 3 202 093 овоз, “қарши”, “бетараф” йўқ.

Кун тартибидаги **учинчи масала бўйича қарор қабул қилинди:**

3.1. "MAA-PERFECT" МЧЖ аудиторлик ташкилотининг "Бухоронефтгазпармалаш" АЖ бўйича 2023 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни билан миллий аудит стандартларидан келиб чиққан ҳолда ўтказилган аудиторлик текшируви хулосаси маълумот учун қабул килинсин.

3.2. "MAA-PERFECT" МЧЖ аудиторлик ташкилотининг "Бухоронефтгазпармалаш" АЖ бўйича 2023 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни билан халқаро аудит стандартларидан келиб чиққан ҳолда ўтказилган аудиторлик текшируви хулосаси маълумот учун қабул қилинсин.

3.3."MAA-PERFECT" МЧЖ аудитор ташкилотининг "Бухоронефтгазпармалаш" АЖ бўйича 2023 йил якуни билан самарадорликнинг асосий муҳим кўрсатгичлари миқдори 129,66 фоизни, самарадорликнинг қўшимча муҳим кўрсатгичлари миқдори 173,45 фоизни ва самарадорликнинг йиғинди кўрсаткичи 151,55 фоизни ташкил этганини тасдиқлагани инобатга олинсин.

3.4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Давлат иштирокидаги корхоналар ижро этувчи органи фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2020 йил 9 декабдаги 775 - сон қарори ижросини таъминлаш бўйича методик қўлланмага асосланган ҳолда, "Бухоронефтгазпармалаш" акциядорлик жамиятининг 2023 йил молиявий-хўжалик фаолияти "юқори" баҳоланиши инобатга олинсин.

Кун тартибидаги **тўртинчи масала** борасида йигилиш раиси жамият корпоратив маслаҳатчиси Г.Касимовага сўз берди. Маърузачи ўз сўзида "Бухоронефтгазпармалаш" акциядорлик жамиятининг 2023 йил якуни билан корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш бўйича "MAA-PERFECT" МЧЖ аудитор ташкилоти хулосаси тақдим этганини айтиб ўтди. Унга кўра, жамиятнинг корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижаси билан 556 балл олинган, бу мавжуд энг юқори балнинг 46 фоизини ташкил этиши айтиб ўтилди. Жамиятнинг корпоратив бошқаруви тизимини баҳолаш Ўзбекистон Республикаси хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси (ҳозирги Давлат активларини бошқариш агентлиги) ҳамда корпоратив бошқарув илмий-таълим марказининг 2016 йил 25 июлдаги сўровномаси асосида амалга оширилгани ва шу сўровномага асосан жамиятнинг корпоратив бошқарув соҳасидаги фаолияти **"қониқарли"** баҳоланган айтиб ўтилди.

Шунингдек маърузачи жамият бошқарувининг 2023 йил молиявий-хўжалик фаолияти юқори баҳоланиши, корпоратив бошқарув тизими қониқарли баҳоланишини инобатга олиб, жамият кузатув кенгаши ўзининг 2024 йил 16 декабрдаги мажлис қарори билан "жамиятнинг ижро органи аъзоларига, 2023 йил якуни билан корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижаси ҳамда самарадорликнинг муҳим кўрсатгичлари бажарилиши салмогига мутаносиб, тасдиқланган рағбатлантириш тўловлари тўланиши" тўғрисида қарор қабул қилганини эслатиб ўтди ва шу қарорни маъқуллаш таклифини киритди.

Юқоридагиларни инобатга олиб, йиғилиш қатнашчиларига овоз бериш учун қўйидаги таклифлар киритилди:

– "Бухоронефтгазпармалаш" акциядорлик жамиятининг 2023 йил якуни билан корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш бўйича мустақил баҳоловчи ташкилотнинг хулосаси маълумот учун қабул қилинсин.

– Жамият кузатув кенгашининг 2024 йил 16 декабрдаги мажлис қарори билан жамиятнинг ижро органи аъзоларига, 2023 йил якуни билан самарадорликнинг муҳим кўрсатгичлари бажарилиши салмоғига мутаносиб, тасдиқланган рағбатлантириш тўловлари тўланиши тўғрисидаги қарори маъқуллансин ва жамият ижроия органига, амалдаги "Ижро органи тўғрисидаги Низом"га асосан ҳамда 2023 йил якуни билан тасдиқланган бизнес режада кўрсатиб ўтилган рағбатлантириш миқдори инобатга олиниб, самарадорликнинг муҳим кўрсатгичлари бажарилиши салмогига мутаносиб миқдордаги тўловлар тўлансин.

Овоз бериш натижаси: "тарафдор" 3 202 093 овоз, "қарши", "бетараф" йўқ.

Кун тартибидаги **тўртинчи масала бўйича қарор қабул қилинди:**

4.1."Бухоронефтгазпармалаш" акциядорлик жамиятининг 2023 йил якуни била корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш бўйича мустақил баҳоловчи ташкилотнин хулосаси маълумот учун қабул қилинсин.

4.2.Жамият кузатув кенгашининг 2024 йил 16 декабрдаги мажлис қарори билан жамиятнинг ижро органи аъзоларига, 2023 йил якуни билан самарадорликнинг муҳим кўрсатгичлари бажарилиши салмоғига мутаносиб, тасдиқланган рағбатлантириш тўловлари тўланиши тўғрисида қарори маъқуллансин ва жамият ижроия органига, амалдаги "Ижро органи тўғрисидаги Низом"та асосан ҳамда 2023 йил якуни билан тасдиқланган бизнес режада кўрсатиб ўтилган рағбатлантириш миқдори инобатга олиниб, самарадорликнинг муҳим кўрсатгичлари бажарилиши салмоғига мутаносиб миқдордаги тўлов тўлансин.

Кун тартибидаги **бешинчи масала** борасида йиғилиш раиси ҳамда кузатув кенгаши аъзоси Р.Я.Эрсориев ҳисобот бериб ўтди. Ҳисоботда жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан корпоратив йил давомида ўтказилган мажлислар ҳамда уларда қабул қилинган қарорлар матни, қарорларнинг бажарилиш натижаси назорати тўғрисида гапириб ўтилди. Шунингдек ушбу корпоратив йил давомида кузатув кенгаши томонидан ўтказилган акциядорлар умумий йиғилишлари, уларда қабул қилинган қарорлар ва ушбу қарорлар бажарилиши борасида сўз юритилди.

Ҳисобот якуни билан йиғилиш қатнашчиларига овоз бериш учун қўйидаги таклиф киритилди:

– «Бухоронефтгазпармалаш» АЖ кузатув кенгашининг 2023 йил якуни билан хисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

Овоз бериш натижаси: "тарафдор" 3 201 673 овоз, "қарши" 420 овоз, "бетараф" йўқ.

Кун тартибидаги **бешинчи масала бўйича қарор қабул қилинди:**

5.1.«Бухоронефтгазпармалаш» АЖ кузатув кенгашининг 2023 йил якуни билан хисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

Кун тартибидаги **олтинчи масала** борасида йиғилиш раиси жамият бухгалтери М.Исматовага сўз берди. Маърузачи ўз сўзида жамиятнинг 2023 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботи матнини тушунтириб ўтди. Бунда жамият молиявий иқтисодий кўрсатгичлари ҳолати, жамият кузатув кенгаши, бошқарув органи таркибида йил давомида қилинган ўзгаришлар, ушбу ҳисобот даври мобайнида жамият фаолиятида содир бўлган муҳим фактлар, жамият бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботи таркиби, аффилланган шахслар билан тузилган битимлар, аффилланган шахслар рўйхатидаги ўзгаришлар таркибига тўхталиб ўтилди (ҳисобот илова қилинади).

Йиғилиш раиси маърузачига саволлар берилиши мумкинлигини айтиб ўтди ва кун тартибидаги масала бўйича бюллетенга овоз бериш таклиф этилди. Овоз бериш натижаси: "тарафдор" 3 202 093 овоз, "қарши", "бетараф" йўқ.

Кун тартибидаги **олтинчи масала бўйича қарор қабул қилинди:**

6.1. "Бухоронефтгазпармалаш" акциядорлик жамиятининг 2023 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботи иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Кун тартибидаги **еттинчи масала** борасида йиғилиш раиси сўзга чиқиб, жамият кузатув кенгаши ўзининг 2024 йил 16 декабрдаги мажлис қарори билан акциядорлар умумий йиғилиши муҳокамасига қўйидаги икки вариантдаги соф фойда тақсимоти таклиф этилганини айтиб ўтди. Булар:

1-вариант:

Дивиденд тўловларига - 39,82% ёки 2 115 203,160 минг сўм;

Ишлаб чиқаришни ривожлантиришга *(Жамиятнинг модернизациясига)* - 50,18% ёки 2 664 689,640 минг сўм;

Жамият Кузатув кенгашини рағбатлантиришга - 5,0 % ёки 265 549,6 минг сўм;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 декабрдаги 775-сон қарорининг 3-бандига асосан Жамият Бошқарувини қўшимча рағбатлантиришга - 5,0% ёки 265 549,6 минг сўм.

2-вариант:

- соф фойданинг 50,02 фоизи, яъни 2 656 513, 216 минг сўмини дивидендга йўналтириш, бунда бир дона оддий ва бир дона имтиёзли акцияга 584 сўмдан дивиденд тўғри келиши инобатга олинсин;

- соф фойданинг 49,98 фоизи, яъни 2 654 478, 984 минг сўмини ишлаб чиқаришни ривожлантиришга йўналтириш.

Йиғилиш раиси кун тартибидаги масала бўйича бюллетенга овоз беришни таклиф этди.

Овоз бериш натижаси:

1-вариант:

"тарафдор" 1 003 996 овоз, "қарши" 2 198 097, "бетараф" йўқ.

2-вариант:

"тарафдор" 7 953 овоз, "қарши" 2 190 564, "бетараф" 1 003 576 овоз.

Кун тартибидаги **еттинчи масала бўйича қарор қабул қилинди:**

7.1. "Бухоронефтгазпармалаш" акциядорлик жамиятининг 2023 йил якуни билан олинган соф фойдаси тақсимоти тасдиқланмасин ва ушбу масала акциядорларнинг бундан кейинги навбатдан ташқари умумий йиғилиши муҳокамасига киритилсин.

Кун тартибидаги **саккизинчи масала** борасида йиғилиш раиси Г.Касимовага сўз берди. У ўз сўзида жамиятда амал қилаётган асосий меъёрий – ҳуқуқий низомларнинг 2022 йилларгача бўлган муддатларда қабул килинганини ҳамда ушбу давр ичида амалдаги Қонунчиликдаги ўзгаришлар, жумладан Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 18 январдаги ЎРҚ-814-сонли, 2024 йил 20 февралдаги ЎРҚ-910-сонли, 2024 йил 21 февралдаги ЎРҚ-911-сонли Қонунлари билан акциядорлик жамиятларини бошқаруви бўйича корпоратив фаолиятдаги талабларга киритилган ўзгаришларни, шунингдек жамиятнинг 2024 йилда қабул қилинган меъёрий ҳужжатларидаги номутаносибликларни инобатга олиб, меъёрий – ҳуқуқий низомлар янги таҳрирда тайёрланганини айтиб ўтди. Шунингдек жамият Уставининг шакли ва структураси ўзгартирилгани, ошкор этилиши зарур бўлган маълумотлар таркибида жамиятнинг рус тилидаги Устави йўклиги сабабли, янги таҳрирдаги Устав рус тилида таржима қилиниб борилгани айтиб ўтилди.

Йиғилиш раиси маърузачига саволлар берилиши мумкинлигини айтиб ўтди ва кун тартибидаги масала бўйича бюллетенга овоз бериш таклиф этилди. Овоз бериш натижаси: "тарафдор" 3 199 124 овоз, "қарши" 2969 овоз, "бетараф" йўқ.

Кун тартибидаги **саккизинчи масала бўйича қарор қабул қилинди:**

8.1. Жамиятнинг янги таҳрирдаги Устави иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Кун тартибидаги **тўққизинчи масала** борасида йиғилиш раиси Г.Касимовага сўз берди. Маърузачи ўз сўзида жамиятнинг "Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида"ги Низоми 2018 йил 27 сентябрда акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиш қарори билан тасдиқланганлигини айтиб ўтди. Бу давр ичида Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 20 мартдаги ЎРҚ-531-сонли Қонуни, 2019 йил 3 декабрдаги ЎРҚ-586-сонли Қонуни, 2019 йил 11 декабрдаги ЎРҚ-592-сонли Қонуни, 2019 йил 24 декабрдаги ЎРҚ-597-сонли Қонуни, 2020 йил 21 июлдаги ЎРҚ-629-сонли Қонуни, 2020 йил 5 октябрдаги ЎРҚ-640-сонли Қонуни, 2021 йил 21 апрелдаги ЎРҚ-683-сонли Қонуни, 2021 йил 29 октябрдаги ЎРҚ-726-сонли Қонуни, 2022 йил 14 мартдаги ЎРҚ-759-сонли Қонуни, 2022 йил 29 мартдаги ЎРҚ-760-сонли Қонуни, 2023 йил 18 январдаги ЎРҚ-814-сонли Қонуни, 2024 йил 20

февралдаги ЎРҚ-910-сонли Қонуни, 2024 йил 21 февралдаги ЎРҚ-911-сонли Қонуни билан корпоратив бошқарув соҳасидаги қонунчиликда кўп ўзгаришлар киритилганлиги эслатиб ўтилди. Шуларни ҳисобга олиб, жамиятнинг акциядорлар умумий йиғилиш тўғрисидаги Низом тўлиғинча янгидан шакллантирилгани ва охирги қонунчилик талаблари доирасида тузилганлиги айтиб ўтилди.

Йиғилиш раиси маърузачига саволлар бериш мумкинлигини айтиб ўтди ва кун тартибидаги масала бўйича бюллетенга овоз бериш таклиф этилди. Овоз бериш натижаси: "тарафдор" 3 202 093 овоз, "қарши", "бетараф" йўқ.

Кун тартибидаги **тўққизинчи масала бўйича қарор қабул қилинди:**

9.1. Жамиятнинг янги таҳрирдаги Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисидаги Низоми иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Кун тартибидаги **ўнинчи масала** борасида йиғилиш раиси яна Г.Касимовага сўз берди. У ўз сўзида жамиятда амал қилаётган "Кузатув кенгаши тўғрисида"ги Низоми қабул қилингандан кейин ўтган давр ичида амалдаги Қонунчиликдаги ўзгаришлар билан акциядорлик жамиятларини бошқаруви бўйича корпоратив фаолиятдаги талабларга киритилган ўзгаришлар, шунингдек жамият амал қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олган Корпоратив бошқарув кодекси талаблари инобатга олинган ҳолда, меъёрий – ҳуқуқий низом янги таҳрирда тайёрланганини айтиб ўтди.

Йиғилиш раиси маърузачига саволлар бериш мумкинлигини айтиб ўтди ва кун тартибидаги масала бўйича бюллетенга овоз беришни таклиф этди. Овоз бериш натижаси: "тарафдор" 1 008 980 овоз, "қарши" 2 193 113 овоз, "бетараф" йўқ.

Кун тартибидаги **ўнинчи масала бўйича қарор қабул қилинди:**

10.1. Жамиятнинг янги таҳрирдаги "Кузатув кенгаши тўғрисида"ги Низоми тасдиқланмасин ва кейинги навбатдан ташқари умумий йиғилиш кун тартибига қайта киритилсин.

Кун тартибидаги **ўн биринчи масала** борасида Г.Касимова ўз сўзини давом эттирди. Маърузачи жамиятда амал қилаётган "Ижро органи тўғрисидаги Низоми" қабул қилингандан кейин ўтган давр ичида амалдаги Қонунчиликга киритилган ўзгаришлар билан акциядорлик жамиятларининг корпоратив фаолиятидаги талабларга ҳам ўзгаришлар қилингани, шунингдек жамиятнинг Низомида Корпоратив бошқарув кодекси талаблари тўлиғинчи акс эттирилмаганини инобатга олиб, меъёрий – ҳуқуқий низом янги таҳрирда тайёрланганини айтиб ўтди.

Йиғилиш раиси маърузачига саволлар бериш мумкинлигини айтиб ўтди ва кун тартибидаги масала бўйича бюллетенга овоз беришни таклиф этди. Овоз бериш натижаси: "тарафдор" 1 008 980 овоз, "қарши" 2 193 113 овоз, "бетараф" йўқ.

*

Кун тартибидаги **ўн биринчи масала бўйича қарор қабул қилинди:**

11.1. Жамиятнинг янги таҳрирдаги "Ижро органи тўғрисидаги Низом"и тасдиқланмасин ва кейинги навбатдан ташқари умумий йиғилиш кун тартибига қайта киритилсин.

Кун тартибидаги **ўн иккинчи масала** борасида йиғилиш раиси жамият ходими Д. Бакановга сўз берди. Маърузачи ўз сўзида "Бухоронефтгазпармалаш" акциядорлик жамиятининг 2024 йил молиявий-хўжалик фаолият якуни бўйича миллий аудит стандартларидан ва халқаро аудит стандартларидан келиб чиққан ҳолда аудиторлик текшируви ўтказилиши ҳамда самарадорликнинг муҳим кўрсатгичлари, самарадорликнинг йиғинди кўрсатгичи қиймати ва уларнинг йил якуни бўйича бажариш борасидаги аудиторлик текшируви ўтказилиши учун аудитор ташкилотини танлаш ҳамда 2024 йилда корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш бўйича мустақил баҳоловчи ташкилот танлаш борасида танлов

эълон қилинганини, танлов тўғрисида жамиятнинг расмий сайтида ҳамда корпоратив маълумотлар ягона портали openinfo.uz сайтида эълонлар берилгани айтиб ўтилди. Эълон бўйича аризаларни қабул қилишнинг якуний санаси 2024 йил 25 ноябр куни ҳолатига 3 та тижрат ташкилотидан аризалар келиб тушгани ва булар:

"GREAT FOURS" МЧЖ – тижорат таклифи 40 000 000 (кирк миллион) сўм,

"AFFAT AUDIT" АЖ – тижорат таклифи 30 000 000 (ўттиз миллион) сўм,

"TRANS AUDIT-A" МЧЖ – тижорат таклифи 50 000 000 (эллик миллион) сўм эканлигига тўхталиб ўтилди.

Йиғилиш раиси шу таклиф тушган уч аудиторлик ташкилотидан бирини танлаб, бюллетенга овоз беришни таклиф этди. Овоз бериш натижаси:

"GREAT FOURS" МЧЖ бўйича "тарафдор"йўқ, "қарши" 3 202 093 овоз, "бетараф" йўқ.

"AFFAT AUDIT" АЖ бўйича "тарафдор" 3 202 093 овоз, "қарши", "бетараф" йўқ.

"TRANS AUDIT-A" МЧЖ бўйича "тарафдор"йўқ, "қарши" 3 202 093 овоз, "бетараф" йўқ.

Кун тартибидаги **ўн иккинчи масала бўйича қарор қабул қилинди:**

12.1. "Бухоронефтгазпармаш" акциядорлик жамиятининг 2024 йил натижалари бўйича тузилган молиявий ҳисоботни миллий аудит стандартларидан келиб чиқган ҳолда ва ҳалқаро стандартлар асосида тузилган молиявий ҳисоботини ҳалқаро аудит стандартларидан келиб чиқган ҳолда аудиторлик текшируви ўтказилиши ҳамда 2024 йил натижалари бўйича самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари ва уларнинг бажарилиши фоизларининг ҳисобланган миқдорининг текшируви ҳамда 2024 йилда корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш бўйича "AFFAT AUDIT" МЧЖ аудиторлик ташкилоти тасдиқлансин.

4.2. Аудитор ташкилотига тўланадиган ҳақ 30 млн. сўм миқдори чегарасида белгилансин.

Йиғилиш раиси Р.Я.Эрсориев

Йиғилиш котиби Г.Касимова

Йиғилиш баённомаси имзоланган сана 17 январ 2025 йил.